

**2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида амалга оширилган импорт  
ҳажми ҳамда импортни қисқартириш бўйича кўрилаётган  
чора-тадбирлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**ИНФОРМАЦИЯ  
об объемах импорта и принятых мерах по сокращению импорта  
за январь-сентябрь 2022 года**

**I. Комбинат томонидан амалга оширилган импорт таҳлили.**

2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида комбинат бўйича маҳсулот ва хизматлар импорти ҳажми **86,5** млн. долларни ташкил этди. Бунда импорт ҳажми 2021 йилнинг мос даврига (252,1 млн. доллар) нисбатан 165,6 млн. долларга ёки 65,7 %га камайди.

“Навоий КМК” АЖНИНГ маҳсулот ва хизматлар импорти таркиби қуидагича:

1. машина ва ускуналар – **28,9** млн. доллар (улуси 33,4 %), шу жумладан:

- 10 дона кон самосваллари – 6,1 млн. доллар;
- 2 дона шахта ер ости машинаси – 8,8 млн. доллар;
- 2 дона юкортиш-етказиб бериш машинаси – 0,8 млн. доллар;
- 4 дона аралаштириш-зарядлаш машинаси – 1,7 млн. доллар;
- 2 дона кўп функцияли шахта машинаси – 0,6 млн. доллар;
- 3 дона бурғулаш дастгохи – 1,6 млн. доллар;
- 1 дона электр экскаватори – 8,0 млн. доллар;
- 2 дона ғилдиракли булдозер – 0,2 млн. доллар;
- ва бошқа ускуналар (универсал ишга тушириш қуrilmasi, мой станцияси и т.д.) – 1,1 млн. доллар.

2. бутловчилар ва эҳтиёт қисмлар **5,7** млн. доллар (6,6%), шу жумладан:

- карьер техникасига эҳтиёт қисмлар – 4,3 млн. доллар;
- бурғулаш дастгоҳларига, технологик ускуналари учун эҳтиёт қисмлар ва беғараз асосда олиб кирилган бошқа қисмлар – 1,4 млн. доллар;

3. хом ашё ва материаллар (портлашларни юзага келтирувчи воситалар, шиналар ва бошқалар) – **32,8** млн. доллар (37,9 %);

4. хизматлар – **19,1** млн. доллар (22,1 %).

Комбинатнинг асосий фаолиятига тааллуқли бўлмаган, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар импорти, шу жумладан оффшор ҳудудлардан импорт амалга оширилмади.

II. Комбинат бўлинмалари қувватларида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами 147 та лойиҳа бўйича **412,4** млрд. сўмлик ёки давр прогнозига нисбатан 102,3 %га маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида Электрон кооперация портали орқали маҳсулотларни сотиш бўйича жами 23,2 млрд. сўмлик 68 та шартнома имзоланиб, шундан 17,2 млрд. сўмлик 46 та шартнома ёки 74,4 %и ижро этилди.

III. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш ва кооперация ҳисобига импортни оптималлаштириш.

2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат кооперацияси доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган маҳсулотлар ҳажми **3 567,9** млрд. сўмни ва 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 138,4% ни ташкил этди.

Жумладан электрон кооперация портали орқали маҳсулотларни сотиб олиш бўйича жами 3 358,6 млрд. сўмлик 5 956 та шартнома имзоланиб, шундан 1 552,1 млрд. сўмлик 2 666 та шартнома ёки 46,2 %и ижро этилди. Колган шартномаларнинг ижроси белгиланган муддатларда таъминланади.

Комбинатнинг 2022 йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”га асосан, импорт бўйича олиб кириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобига импортни қисқартиришнинг мақсадли кўрсаткичлари январь-сентябрь ойларида **62,5** млн. долларни ташкил этди.

Шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сонли қарорининг 3-иловасига асосан, 110 та лойиҳада **38,8** млн. доллар эквивалентида (442,3 млрд. сўм) ёки прогнозга нисбатан 102,2 %га маҳсулотлар харид қилинди.

Бундан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш ҳисобига импортни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар доирасида қўшимча равишда умумий қиймати 16,2 млн. доллар бўлган 35 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар харид қилинди.

Жорий йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда уларнинг қувватларида Ф-2475 ва Ф-3100 аралаштиргич лопастлари (“Gidro Stanko Servis” МЧЖ), тожли ва чўқтирма электродлар, сильфонли компенсатор (“Navpromlitmash” МЧЖ), кўп функцияли ўлчов жиҳози (“Karmana-Sharqona Invest” МЧЖ), мойланган тормоз накладка ва колодкалари (“Stalmet Group Service” ХК), совутиш суюқлиги (“Chilon Lubricants” МЧЖ), тескари осмос, сув фильтри (“Эко Компани” ХК), импорт техникалар (CAT, Hitachi, БелАЗ) учун юқори босимли шланглар (“Hydro Component” МЧЖ), сульфит-спиртли бардалар (“AX Treding” МЧЖ),

графитланган электродлар (“Navoiyskiy Elektrodniy Zavod” МЧЖ), тегирмон шарлари (“Latem-metal” МЧЖ) каби янги турдаги импорт үрнини босувчи маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Шунингдек, “Навоий КМК” АЖ томонидан 2022 йилда янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш ҳамда саноат кооперациясини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадваллари ва Йўл хариталари Инвестициялар ва ташки савдо вазирлигига тақдим этилган.

Маҳаллий корхоналар томонидан ўзлаштириш учун импорт хом ашё ва материаллар тўғрисидаги маълумотлар комбинат веб-сайти (<https://www.ngmk.uz/>) ва комбинатнинг Электрон кооперация порталидаги онлайн-кўргазмасида (<http://ngmk.cooperation.uz/>) жойлаштирилган.

Бундан ташқари, 2023-2026 йилларда янги маҳсулотларни саноат кооперацияси асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда ўзлаштириш мақсадида, комбинат бўйича келиб чиқиши импорт бўлган маҳсулотлари рўйхати “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Тошкент қувур заводи” МЧЖ ҚҚ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошкент металлургия заводи” МЧЖ, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилди.

2022-2025 йилларда “Навоийазот” АЖ томонидан натрий тетраборат (бура), қўргошин нитрат, юқори молекуляр полиакриламид гель, натрий триполифосфатни ўзлаштириш ва тиомочевина ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган.

Комбинат томонидан харид қилиниши кўзда тутилган, келиб чиқиши импорт бўлган товарлар тўғрисидаги маълумотларни Электрон кооперация порталининг “Импорт муқобили бўйича сўров юбориш” бўлимига жойлаштириш орқали уларни ўзлаштириш бўйича потенциал ишлаб чиқарувчиларни аниқлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Навоий КМК” АЖ 2022 йил 3-4 март Жиззах, 15-16 март Сирдарё, 14-15 апрел Самарқанд, 5-6 май Сурхондарё, 26-27 май Наманганд, 9-10 июн кунлари Фарғона, 1-2 июль кунлари Андижон, 4-5 август кунлари Тошкент вилоятида, 8-9 сентябрда Хоразм ҳамда 22-23 сентябр кунлари Бухоро вилоятларида ярмаркаларда иштирок этди. Ушбу худудий ярмаркаларда маҳсулотларни харид қилиш бўйича 1673,3 млрд. сўмлик 2037 та шартномалар тузилди.

Навоий КМК томонидан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобига импортни қисқартириш бўйича ишлар давом эттирилади.